



## JADID CAUSTIC SINGER POETRY

Sevinchoy Yakubova

basic doctoral student Tashkent State University of Uzbek Language and  
Literature named after Alisher Navoi

### Annotation

The article examines the poems of the famous Uzbek poet Khamza, included in the collection "Folk poems on folk songs". The poet's poetry expresses the ideas of the Enlightenment, his contribution to modern poetry is emphasized. The article also analyzes the ideas of nationalism, freedom and freedom in Hamza's poems and draws certain conclusions.

**Keywords.** Jadid, enlightenment, figurative expression, complex, symbol, melody, song, folk melody, lyric hero.

Истеъдодли ўзбек шоири, ёзувчиси, драматурги ва педагоги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889 - 1929) ўзининг кўплаб асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. XX аср бошларида яшаб фаолият юритган кўпгина ижодкорларимиз сингари Ҳамзанинг адабий ва ижтимоий фаолияти ҳам жадидчилик ҳаракати билан узвий боғлаган. Ҳамза халқни маърифатли қилиш мақсадида Қўқон ва Марғилонда янги усулдаги мактаблар очади ва бу мактаблар учун дарсликлар яратади. Унинг «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ва «Қироат китоби» сингари дарсликлари бу жиҳатдан характерлидир.

Ҳамзанинг катта ёшдагилар учун “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуаси (1915 - 1917) жадид адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутади. Ушбу мажмуя “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Яшил гул”, “Сариқ гул”, “Пушти гул”, “Сафсар гул”, “Атир гул” каби шеърий китоблардан таркиб топган (6). Улар ўз давридаёқ “адабиётдаги янгилилк”, “эски қайғули куйларни жонлантириш” учун янги йўллар қидириш тарзида баҳоланди (7. 21 б.).

Ҳамзанинг ашулалар тўпламларида шеърлари аruz ва бармоқ вазнларида ёзилган бўлиб, улар халқ ашулалари куйларига мослиги билан ажralиб туради. Бу манзумаларда Ҳамза яшаган даврининг муҳим ижтимоий-маърифий, ахлоқий-таълимий масалалари ўз ифодасини топган. Мавзу нуқтаи назаридан мазкур асарлар халқ дарди ва интилишларини акс эттиради, илм-маърифатни улуғлайди, хурофотни танқид қиласди.

Жадид адабиётининг етук тадқиқотчиси филология фанлари доктори Н.Афоқова Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасига кирган шеърлар аruz ва бармоқ вазнида яратилган шеърлар ўрин олганини таъкидлаб шундай дейди: “Ҳамзанинг бармоқ вазnidagi шеърлари оҳангнинг равонлиги, силлиқлиги, сакталикларнинг деярли учрамаслиги билан характерланади” (1. 16 б.)

Ҳамзанинг лирик қаҳрамони давр ва замон фарзанди ўлароқ, разолат ўрнини адолат, жаҳолат ўрнини маърифат әгаллашини истайди. Шунинг учун у куч-қувватини халққа илму урфон тарқатишдек хайрли ишга сафарбар этади. Демак, мазкур шеърларда халқимиз катта ёшдаги қатламиининг миллий ва ижтимоий онгини уйғотиш, уларни эътиқод бирлиги негизида бирлаштириш ғояси устуворлик қиласди.

Ашула тўпламлари муаллифнинг 1914-1915 йилларда яратган “Енгил адабиёт”, “Бошланғич мактаблар учун ўқиш китоби” каби дарсликларида маърифатпарварлик ғояларини изчил давом эттиради. Ҳамзанинг қўшиқ жанрига мурожаат қилиб, халқ қўшиқ ва куйларининг поэтик оҳангларидан баракали фойдаланиши, тўплаган куйлардан ўттизтасига янги шеърлар ёзиши тасодифий ҳол эмас. Шоир маърифатпарварлик ғояларининг халқимиз орасида тез ва салмоқли тарзда кенг тарқалишини қўзлаган. Шунинг учун элнинг орзу



умдлари, фикр ва туйғулари, кураш ва интилишлари акс этган ашулалардан, қўйлардан унумли фойдаланган.

Муҳими шундаки, шоир ашулачилар тамонидан бузиб айтилаётган ва сўзлари ўша давр талабларига етарли жавоб бермайдиган қўшиқларни янги матнлар билан бойитган. Ўзи муҳим деб санаган ва кишиларга хушчақчақ кайфият бағишловчи қўшиқларнинг бадиий матнларини янгилаган. Халқ қўйларига шеърлар ёзиб уларни тўплам ҳолига келтиаркан, “энг яхши, сараланган” маъносида тўпламларига “Гул” номини берган. Жумладан, шоир: “Дилоғон”, “Эски Турон”, “Эски Хоразм”, “Кел менга, шоҳим, ҳай-ҳай”, “Гул-ғунчалар”, “Дўст мавлон-эй”, “Яланг даврон-эй”, “Жон тўралар-эй, Оллоҳ”, “Жон Қўзивой”, “Вой, золим”, “Айтайлик, ўртоқ”, “Лайлихон, Анорхон ёрим-ей”, “Додимга етсанг-чи”, “Олма-анорингга балли” сингари ўнлаб оҳанглардаги ашулалар поэтик матнини ўзгартирган. Ҳамза ўзининг ижодий нияти ижроси хусусида тўхталиб: “...миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун баъзи кабиҳ шеърлар ўрнига миллий шеърлар тартиб беруб ҳамма оҳанг ва қўйларимизни топуб, бир неча бўлимда нашр этмак ниятидамиз”(6. 7 б.) - деб ёзган, шу боисдан ўз тўпламларини “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси” деб атаганини изоҳлаган эди.

Дарҳақиқат, “Мажмуа”га кирган “Йиғла, Туркистон”, “Кўзни очинг, қардошлар”, “Дармон истариз”, “Миллат деганларнинг оқар кўз ёши”, “Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон”, “Паст эканму инқилобимиз мунча”, “Яшанглар, яшайлик, Турон” сингари ўнлаб шеърлар ғоятда миллий ва дардкашлиги, мусиқий оҳангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу шеърларда миллий уйғониш ғоялари акс этган. Ана шундай шеърлар Ҳамзани миллий уйғониш даври адабиётининг йирик нармоёндаларидан бирига айлантиради. Машхур рус танқидчиси В. Белинский: “Поэзия ҳаёт ифодасидир ёки янада тўғрироғи, ҳаётнинг ўзидир. Бугина эмас, поэзияда ҳаёт чинакам воқеликдан кўра ҳаётйроқ намоён бўлади” (2. 99 б.), - дейди. Бу фикрлар тасдиғи учун Ҳамза шеъриятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор,  
Ёз ўтуб, қиши келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор,  
Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тору мор,  
Чора шул: мактаб очайлик, шояд ўлсун сабзалар,  
Эй мусулмонлар, қачон бир дарда дармон истариз?

Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз?

Ушбу шеърда миллат ва халқ келажаги учун изтироб чекаётган лирик “мен”нинг ички кечинмалари шоирона ифода этилган. Унда шоир фикр қарашлари турли образли ифода ва рамзлар орқали тасвиранади. Адабиётшунос Ҳ. Болтабоев рамз ва рамзийликка хос белгилар тўғрисида шундай ёзади: “Рамз моҳиятан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади. Рамзнинг маъноси контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бўлганда реаллашади”.(2.290 б.). Бу фикрларни юқоридаги мисраларга татбиқ этадиган бўлсак, унда ёз, қиши, баҳор сўзлари рамзий маънода қўлланилган. Адабиётшунос Т.Матёқубованинг таъкидлашича: “Мумтоз шоирлар ижодида кўпинча қиши баҳтсизлик ва мусибат, кулфат, баҳор ёшлик ва гўзаллик, меҳнат ва фароғат рамзи сифатида ифодаланса, куз - ҳазон фасли сифатида тушкун бир кайфиятнинг, бўлажак фожеанинг даракчиси тарзида тасвиранади” (5. 90 б.). Ҳамзанинг юқоридаги мисраларини шу нуқтаи назардан таҳлил қилсак, ёз, қиши, баҳор рамзий маънода қўлланилган. Миллат учун қон йиғлаётган лирик қаҳрамон яхши кунлар ўтиб, қайгули, мусибатли кунлар бошланганини ёз ва қиши рамзлари орқали ифода этади.. Фароғатли



кунларни баҳор рамзи орқали ифодалаётган шоир учун миллат дардига даво бу мактаб очиб маърифтга эришишдир. Бу эса халқни тараққиётга бошлайди.

Академик Н.Каримов таъкидлашича, “Ҳамза жадидчилик ҳаракатига кириб келганида, унинг асосий дастури ишлаб чиқилган, жадид адабиёти олдида турган вазифалар эса ойдинлашган эди. Лекин ижтимоий онги ўсмаган, пароканда оммани уйғотувчи, уни ўзини англашга кўмак берувчи қучлар ҳали етарли эмас эди. Ҳамза ўзбек жадидлари олдида турган миллий уйғониш жарчиси бўлишдек тарихий вазифани ҳис этиш жараёнида ўз истеъодининг қирраларини кашф этиб борди... “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” туркумидаги шеърларида миллий уйғониш ғояларини илгари сурди.” (4. 11 б.). Бинобарин, Ҳамза ўзбек жадид зиёлилари сафида фаол иштирок этди. Ўз ижодининг марказига халқ манфаатини қўя олди.

1918 йилга келиб Ҳамза ижодида жадидчилик қарашларидан чекиниш белгилари ҳам кўзга ташалана бошлайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Зотан, шоир 1917 йилнинг 28 ноябрида ташкил топган “Туркистон мухторияти”га катта умид билан қараган. Туркистоннинг тенглар ичра тенг бўлиб яшапи, ўлқадаги барча миллатларнинг ҳуқуқий дахлсизлиги таъминланиш, мамлакат демократик асосларда мустақил тараққий қилиши ҳақидаги ғоялар унга жуда маъқул эди. Агар ўша давр миллий матбуотини кузатсак, Туркистоннинг таниқли маърифатчилари, сиёsat ва жамоат арбоблари ўз ижодларида мухториятдан мамнун эканлигини самимий изҳор этганликларини қўрамиз.

Туркситоннинг ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихини ўзи яратиш фурсати келганлигини яхши англаб етган Ҳамза 1917 йилнинг 25 апрелида “Улуғ Туркистон” газетасида “Туркситон мухториятина” номли шеърини чоп қилдиради. Тўрт юз йиллик Романовлар давлати тутатилиб, асорат ва хўрлик битиб, миллат шавкати қайтганидан астойдил севинган шоир Туркистон мухториятини олқишишлайди. Кўнгил шодилигидан мамнун Ҳамза ғофил қолиб фурсатни бой бермаслик кераклигидан ўз элдошларини огоҳ этади.

Ҳамза Соҳибқирон Темурнинг руҳи эрк йўлида жонини тиккан юртдошларни топталган, хўрланган ўлкани яшнатишга чақираётгани, бирлашишга даъват этажагини алоҳида таъкидлайди. Дин ва миллат номидан сўзлаган шоир муборак онларни қадрамаган диндошимиз Муҳаммаднинг умматларидан эмасдир, - деган кескин фикрларни айтишгача журъат этади. Дарҳақиқат, қўлга киритилган ютуқни шоир тангрининг раҳматидан деб билади. Диний келишмовчилик ва мазҳаб бўлинишларини бартараф қилиб эл-юрт истиқболи йўлида бутун бир ислом миллатини бирлашишга, яқдил бўлишга чорлайди. Янги бир замонни муборакбод қиласар экан, туркий қавмни авлодлар яхши сўзлар билан хотирлашлари учун жаҳонга танилган улуғ аждодларимизнинг қутлуғ номлари ва азалий қадриятларимизни улуғлашга чақиради. Ёшларга алоҳида мурожаат қилган шоир муборак зафар йўлида Эрк, Озодлик, Бирдамлик учун тўқилган қонларни қутлуғ санайди. Озодликнинг шонли кунлари ўз-ўзидан келмагани, қурашлар ва қурбонлар эвазига эришган ютуқларимизни қайта-қайта қутлашдан зинҳор чарчамайди:

*Бугун қайси бир кўнгул дилшод ўлмасун?!*

*Бугун қайси мироншоҳлар обод ўлмасун?!*

*Гофил қолманг бул фурсат барбод ўлмасун?!*

*Қутлуғ бўлсун Туркистон мухторияти!*

*Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!*

Тўққиз банд, 47 мисрадан иборат шеърнинг ҳар бандидан кейин келувчи хор учун мўлжалланган сўнгги икки мисра такрорланиб, маънони таъкидлашга, етакчи фикрни янада



кучайтириб, даъват оҳангини оширишга хизмат қилади: Фақат охирги банднинг сўнгги мисрасида нақорат турк ўғиллари қураётган давлатнинг мангу барқарор бўлишига эзгу тилак билан яқунланади:

*Кутлуғ бўлсин, эй ёшлар, тўкуб қонингиз,*

*Берган қурбонингизга олғон шонингиз!*

*Мангу қолди дунёда хуш унвонингиз,*

*Кутлуғ бўлсун Туркистон мухторияти!*

*Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!*

*Яшасун бу турк ўғлини мангу давлати!*

Умуман, Ҳамза шеъриятида ёзма адабиётдаги анъанавий шеър тузилиши шакли аруз билангина чекланиб қолмай, халқ шеърий тузилишига фаол мурожаат қилди. Унинг бой ифода воситалари ва образлар оламидан кенг фойдаланди. У ўз шеърларини халқ тили бойлиги ва оғзаки ижодига имкон қадар яқинлашишга интилди. Адабиётимизнинг ғоявий-бадиий савиясини кенгайтиришга, ижтимоий муаммоларни куйинчаклик билан кўламдор ифодалашга ҳаракат қилди. Бунда у ўзига хос образли ифодалар ва тасвир усулларига мурожаат қилганки, бу шоирнинг ўзига хос истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Афоқова Н.Ўзбек жадид адабиётида шеърий шакллар тараққиёти тамойиллари. Филологиф фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2005
2. Белинский В. Г. Адабий орзуладар. –Т.: F. Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
3. Болтабоев X. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: “Mumtoz so’z”, 2014.
4. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқбол мафкураси. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1993.
5. Матёқубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. – Т.: Фан ва технология, 2010
6. Ҳамза Беш томлик тўла асарлар тўпламиининг иккинчи том. –Тошкент, Фан, 1988.
7. Ҳусайн С. Ҳамза Ҳакимзода. Ҳаёти ва фаолияти. Тошкент – Самарқанд, 1940.